



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «24» Март

№ 622 и

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Боғот тумани “Олтинқум” шаҳарчасида жойлашган фуқаро Тажиев Худашукур Озодовичга қарашли “Маъмурий бино ва ишлаб чиқариш базаси”нинг бир қисми яъни “Заправка ва Устахона” биносини бузиб, қайта ихтисослаштириб, ўрнида “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” биноси қуришга рухсат бериш тўғрисида

Боғот тумани архитектура ва қурилиш бўлимининг Боғот тумани “Олтинқум” шаҳарчасида жойлашган “Маъмурий бино ва ишлаб чиқариш базаси”нинг бир қисми яъни “Заправка ва Устахона” биносини бузиб, қайта ихтисослаштириб, ўрнида “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” биноси қуриш учун туман хокимининг қарорини чиқариб беришни сўраб туман хокимлигига йўллаган сўровномасини, Боғот тумани қурилиш бўлимининг 2019 йил 25 декабрдаги 0505-сонли рухсатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 20-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат хокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани “Олтинқум” шаҳарчасида жойлашган фуқаро Тажиев Худашукур Озодовичга қарашли “Маъмурий бино ва ишлаб чиқариш базаси”нинг бир қисми яъни “Заправка ва Устахона” биносини бузиб, қайта ихтисослаштириб, ўрнида “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси” биноси қуришга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Тажиев Худашукур Озодовичга ушбу ер майдони бўйича белгиланган муддатда туман архитектура ва қурилиш бўлиmidан архитектура режалаштириш топшириғини ишлатиш, махсус лицензияга эга лойиҳа ташкилоти томонидан лойиҳа хужжатларини тайёрлатиш ва экспертизадан ўтказиш ҳамда Хоразм вилояти Давлат архитектура қурилиш

назорати Инспекциясидан қурилиш монтаж ишларини бошлаш учун рухсатнома олиш вазифалари топширилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов)га ушбу ер майдонида олиб бориладиган қурилиш ишларини тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари асосида бажарилишини назорат қилиш вазифалари топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчи С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев